

Ер ўз ўқи атрофида айланишини биринчи бўлиб айтган шахс



15:34 / 04.12.2024 3390

Тахминан 1000 йиллар аввал бирон-бир замонавий ускуналар ёки сунъий йўлдошларга эга бўлмаган ҳолда, мусулмон тадқиқотчиси Абу Райҳон Беруний Ер курраснинг радиуси 6338,80 километр эканини эълон қилган.

Сўнгра эса уни ҳақиқий ўлчови 6370,98 километр (6371,3 ҳам дейилади) экани аниқланди. Беруний фақат 32 километрга янглишган. Бунинг сабаби эса ер тўлиқ шар шаклида эмаслигидир.

Изоҳ: Ер сайёраси тўғри геометрик шаклга эга эмас. Ернинг шакли геоид деб аталади. Умуман олганда, Ернинг шакли эллипсоидга яқиндир.

Абу Райҳон Беруний Ер шари ўз ўқи атрофида айланишини биринчи бўлиб айтган шахсдир. Замонавий ўлчаш ускуналари ҳали кашф қилинмасидан

олдин ер атрофини ўлчаб, 99,7 фоизлик натижани қайд этган.

Беруний тиббиёт, фалсафа, химия, физика, математика, геология, астрономия, тарих, доришунослик, география, таржима фанида олим ҳамда геодезия илмининг асосчисидир. Турли илмларга оид 120 дан ортиқ китоб таълиф қилган.

«Ҳилол» журнали 4(61) сон